

УДК: 634.21:631.542

**ЎРИК ДАРАХТЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ШАКЛ БЕРИШ ВА  
БУТАШНИНГ ТАЪСИРИ***Қаршиев Алишер Эсанович**Юсупова Бахтигул Элмаматовна**Тошкент Давлат Аграр университети**Умарова Муаззам Аваз қизи*

**Аннотация:** Мақолада ўрик дарахтларини бутаиш маҳаллий ва четдан келтирилган ўрик навларини ўрганиш ва истиқболли бўлган навларни танлаш учун олиб борилган тадқиқот кузатувлари ҳамда турли параметрларда қисқартириш ва йиллик навалари кесилган дарахтларда шох-шаббанинг тўғри шаклланиши мевалар сифатининг ошиши, ташиқи шароитларга мослашувчанлиги ва бошқа ижобий хусусиятлари келтирилган

**Калитли сўзлар:** бутаиш, новда, сифатли, куртак, гул, мева, ҳосил, бог, маҳаллий, четдан, иқлим, танлаш, мослашувчанлик.

**Аннотация:** в статье представлены научные наблюдения, проведенные с целью изучения отечественных и зарубежных сортов абрикосовых кустарников и отбора перспективных сортов, а также снижения различных параметров и правильного формирования граба на деревьях при ежегодной обрезке сортов, повышения качества плодов, приспособляемости к внешним условиям и других положительных характеристики.

**Ключевые слова:** куст, ветка, качество, бутон, цветок, плод, урожай, сад, местный, зарубежный, климат, выбор, гибкость.

**Abstract:** the article presents scientific observations conducted in order to study local and introduced varieties of apricot trees and select promising varieties, as well as reduce various parameters and correct formation of hornbeam on trees during annual pruning of varieties, improve fruit quality, adaptability to external conditions and other positive characteristics.

**Keywords:** bush, branch, quality, bud, flower, fruit, harvest, orchard, local, introduced, climate, choice, flexibility.

**Кириш.** Ўрик Ўзбекистонда асосий мевалардан бири ҳисобланади. Асосан Фарғона ва Зарафшон водийсида кўп тарқалган. Меваси янгилигича, қоқи қилиб ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Ўрикнинг янги пишган меваси таркибида 8,4-19,0% қанд моддаси; 0,3-1,7% турли (асосан ўрик, лимон ва жуда оз миқдорда салицил ва вино) кислоталар; 0,1-1,6% пектин, ҳамда А ва С витаминлар бор. Туршагида 80% ва ундан ҳам кўпроқ қанд моддаси бўлади. Ўрта Осиёда ҳудудларида ўсадиган кўпчилик ўрик навларининг мағзи ширин бўлиб, бодом мағзи каби истеъмол қилинади. Таркибида 45-58% мой ва 28% га яқин оқсил бўлади. Аччиқ мағзидан амигдалин моддаси, техник ва озиқ-овқатга ишлатиладиган мой

<https://confrencea.one>

олинади. Данак пўстлоғидан тушъ ва фаоллаштирилган кўмир тайёрланади. Ўрик мевасидан асосан, туршак ва баргак қилинади, шунингдек консерва саноати учун қимматли хомашёдир. Ундан компот, мураббо, джем, повидло, пастила, мармелад, желе, цукат, конфет орасига солинадиган қиём ҳамда шарбат махслотлари тайёрланади. Ёғочи мустахкамлиги сабабли токарликда ишлатилади [1].

Адабий мабаъларда келтирилишича, ўрик инсон томонидан маданийлаштирилган қадимги мева турларидан бири бўлиб, келиб чиқиш ватани Арманистон ҳисобланган бўлсада аммо кейинчалик Хитой эканлиги аниқланган Шу билан бир қаторда кўплаб адабий маълумотларда келтирилишича ўрикнинг ватани Ўрта Осиё эканлиги ҳам тасдиқланган, чунки ҳали ҳам бу минтақада ўрикни ёввойи ҳолда кўплаб учратиш мумкин. Ўрик Ўзбекистонда эрамиздан олдинги VI-VII асрлардан маълум тур ҳисобланади [2, 3, 4].

Соҳа олимларининг маълумотларида ёзилишича ўрик мева турларининг келиб чиқиши Осиё материги билан боғлиқ эканлиги келтирилган. Бунда ўрик турлари майдони Хитой ва Ўрта Осиёнинг тоғли худудлари, ғарбда Олд Осиё ва Кавказорти худудларида 12 дан ортиқ турлари учрайди. Булардан: Оддий ўрик (*A.vulgaris lame*), (*A.ansu/komi/ kost*), (*A.holostria/batal kost*) ва (*A mume siev*) умумлаштирилган турлар ҳисобланади, булардан МДХ давлатларида ўрикнинг ёввойилашган оддий Сибр Манжур Давид турлари тарқалган; (*A. Davidiana Carr*), (*A.Kostiniaie Lomakin*), (*A. Leiocarpa Kost*), (*A. Sogdiana Kudr.*), (*A. Anymala Koehne*) [5, 6].

Мевали ўсимликларнинг онтогенез даври давомида ўз наслини генетик ўзгаришлари орқали наслдан-наслга қолдириш хусусиятига эгадир. Барча маданий мевали ўсимликларда ўсиш-ривожланиш ва мева ҳосил қилиш омиллари ташқи муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиб, буларга ҳарорат, ёруғлик, сув, ҳаво, тупроқ каби ташқи омилларнинг таъсири бўлади. Ҳар бир омилнинг ўсимликларга таъсир даражаси бошқа бир омиллар билан таъминланиш даражасига боғлиқ [7, 8];

**Илмий аҳамияти:** Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини илмий ўрганиш ва уларни ҳар томонлама агробиологик ва технологик баҳолаш, шунингдек, маҳаллий ва четдан келтирилган ўрик навларини йиллик ўсувчи новдаларини турли ўлчамларда қисқартириш ва буташнинг самарали меъёрларни ишлаб чиқиш, йиллик ўсувчи новдаларни ўрик навларига мос параметрларда кесиш ва уларга мос шакл буташ усулини такомиллаштириш илмий изланишимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ўрик навларини ўрганишда энг аввола ҳар бир худуд учун иқлим шароитга мос навларни танлаш, шунингдек, уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган самарали агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Ўрикнинг аксарият навларида асосан эрта баҳорги совуқлар таъсирида зарарланиши кузатилади. Шу боис бундай шароитларда навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиб, кузатилган ва аниқланган илмий маълумотлар

<https://confrencea.one>

асосида навларни тўғри танлаш ва турли ҳудудларда тартибли жойлаштириш, тупроқ иқлим хусусиятларини инобатга олган ҳолда боғлар барпо қилиш, ҳамда агротехник тадбирларни ўз муддатида мақбул вариантларда қўллаш орқали мунтазам мева ҳосил қилишига эришилади.

Ўрикни ёки бошқа мевали дарахтларни етиштиришда ҳар бир навнинг биологик талаблари ва ҳўжалик-технологик хусусиятлари асосан маданийлаштирилаётган ҳудуднинг табиий тупроқ-иқлим шароитларига мос келиши асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ўрик навларида йиллик биологик фазани ўрганиш учун ташқи муҳит шароитларига боғлиқ ҳолда фенологик кузатувлар усулидан фойдаланилди. Тажрибада ўрганилган маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навлари дарахтларида фенологик фазаларнинг ўтиш муддатларини кузатиш улар ўртасида маълум тафовутни аниқлаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларига** кўра 8-10 ёшли ўрик дарахтларининг ўрганилган навларида куртакларнинг бўртиши Субхоны (st) навида 4/III санасида кузатилиб, унга нисбатан Моника Бланка нави – 8 кун (24/II), Шалах нави – 5 кун (27/II) ва Исфарак нави – 4 кун (28/II) илгари кузатилиб, аксинча, Калони кандак нави эса – 1 кун (5/III) кейин куртаклари бўртганлиги қайд қилинди. Қолган ўрик навлари стандарт нави билан деярли бир хил санада (4/III) куртаклар бўртганлиги аниқланди.

Ўрганилаётган ўрик навларида ғунчалаш фазаси энг эрта Моника Бланка навида (28/II) бошланиб, ушбу фаза Субхоны (st) навида 8 кун кеч (8/III) бошланганлиги аниқланди. Субхоны (st) навида нисбатан Исфарак навида – 5 кун (3/III), Шалах ва Юбилейный Навои навларида – 3 кун (6/III), Наджими ва Исфарак бадамский навлари – 1 кун (7/III) олдин шаклланган бўлса, Калони кандак нави – 1 кун (9/III) кейин ғунчаланганлиги кузатилди.

Ўрикнинг Субхоны (st) навида гуллашнинг бошланиши-тугаши давомийлиги – 11 кун (10/III–21/III) бўлган бўлса, унга нисбатан Моника Бланка навида – 9 кун (4/III–13/III), Шалах ва Юбилейный Навои навларида – 10 кунни (8/III–18/III) ташкил қилди. Аксинча, бошқа навларда ушбу фаза давомийлиги Субхоны (st) навида нисбатан 2-3 кунга кечроқ бўлганлиги аниқланди.

Ўрикнинг Моника Бланка (24/II – 1/IV), Шалах (27/II – 2/IV) ва Исфарак (28/II – 5/IV) навларида куртак бўртишидан то тўлиқ барг чиқариши – 34-36 кунда шаклланишига юқори фойдали ҳарорат йиғиндисини (+581,3°C) талаб қилган бўлса, аксинча камроқ фойдали ҳарорат йиғиндисиди (+499,0°C) Субхоны (st), Субхоны Заря, Субхоны Гигант, Наджими, Исфарак бадамский, Калони кандак ва Юбилейный Навои навларда куртак бўртишидан то тўлиқ барг чиқаришигача – 30-32 кунни ташкил қилди.

Ўрик навлари мевасининг 19 кун эрта пишиши Субхоны (st) навида (13/VI) нисбатан Наджими навида (25/V) бўлиб, қолган навларда эса ушбу фазадаги фарқ 4-11 кунни ташкил қилди. Бунда, гуллашдан то мевани пишишигача фойдали ҳарорат йиғиндисини Наджими навида +1579,7°C ни ташкил қилган бўлса, қолган навларда

+1846,0°C фойдали ҳарорат йиғиндисиди меваларни пишишганлиги аниқланди. Ўрганилаётган ўрик навларида барглари энг эрта сарғайши Субхоны (st) навида (24/IX) кузатилиб, стандартга нисбатан Юбилейный Навои нави – 4 кун (28/IX) ҳамда бошқа навларда (1/X – 19/X) эса барглари сарғиши 8–26 кунга кеч бошланганлиги аниқланди.

Ҳазонрезгилик стандарт Субхоны (st) навида (7/X) нисбатан 10-11 кун энг эрта бошланиши (25 %) Моника Бланка ва Шалах навларида (27/IX ва 28/IX) бўлган бўлса, аксинча 7-12 кун кеч ҳазонрезгиликни бошланиши (25 %) Исфарак бадамский (14/X) ва Субхоны Гигант (19/X) навларда бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвалдаги маълумотларга кўра, Субхоны (st) навида (25/X) нисбатан 90 % ли (тўлиқ) ҳазонрезгиликни Моника Бланка (14/X) – 11 кун ва Шалах нави – 6 кун олдин бўлган бўлса, аксинча 24 кун кечроқ 90 % ли ҳазонрезгилик Юбилейный Навои навида (18/XI) бўлганлиги аниқланди.

Ўрик Субхоны (st) навида (5/IV – 21/XI) тўлиқ барг чиқаришидан то ҳазонрезгиликни тугашигача – 230 кунни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан Субхоны Заря (2/IV – 15/XI) нави – 13 кун (227 кун), Юбилейный Навои (4/IV – 17/XI) ва Наджими (5/IV – 17/XI) навлари – 4-5 кун (226 кун) илгари тугаганлиги аниқланди. Аксинча, ҳазонрезгиликни тугаши Моника Бланка (1/IV – 4/XII) навида Субхоны (st) навида нисбатан 13 кунга кеч (243 кун) бўлганлиги аниқланди.

Ўрганилаётган 2009 йилда экилган ўрик навларининг куртак бўртиши-дан то ҳазонрезгиликни тугашигача бўлган вегетация даври Субхоны (st) навида – 245 кунни ташкил қилган бўлиб, Субхоны (st) навида нисбатан 4 кун эрта вегетация даври Калони кандак навида (241 кун) бўлиб, аксинча Субхоны Заря ва Наджими навларида – 3 кунга (248 кун), Юбилейный Навои навида – 4 кунга (249 кун), Исфарак навида – 7 кунга (252 кун), Шалах ва Исфарак бадамский навларида – 9 кунга (254 кун), Субхоны Гигант навида – 10 кунга (255 кун) ҳамда Моника Бланка навида – 17 кунга (262 кун) вегетация даври узун бўлганлиги аниқланди.

## 1-жадвал

## Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг ўсиб-ривожланиши фазаси (2017-2019 йй.)

Навлар номи	Куртак бўлиши	Ғунчалаш	Гуллаш			Тўлик барг чиқариши	Мевани пишиши	Барглари сарғайиши	Ҳазонрезгилик			Vegetация даври, кун	бўрғишидан то ҳазонрезгилик тугашигача фойдали ҳарорат
			бошлан-иши (25 %)	тўлик (90 %)	тугаши				бошлан-иши (25 %)	тўлик (90 %)	тугаши		
Субхони (st)	4/III	8/III	10/III	13/III	21/III	5/IV	13/VI	24/IX	7/X	25/X	21/XI	245	5555,3
Моника Бланка	24/II	28/II	4/III	7/III	13/III	1/IV	8/VI	18/X	27/IX	14/X	4/XII	262	5761,6
Шалах	27/II	6/III	8/III	11/III	18/III	2/IV	3/VI	19/X	28/IX	19/X	28/XI	254	5701,3
Исфарак	28/II	3/III	7/III	12/III	19/III	5/IV	4/VI	12/X	7/X	24/X	23/XI	252	5701,3
Субхони Заря	4/III	8/III	10/III	13/III	21/III	2/IV	9/VI	14/X	8/X	25/X	15/XI	248	5555,3
Субхони Гигант	4/III	8/III	10/III	13/III	20/III	6/IV	2/VI	14/X	19/X	27/X	20/XI	255	5555,3
Наджими	4/III	7/III	9/III	13/III	21/III	5/IV	25/V	10/X	9/X	24/X	17/XI	248	5555,3
Исфарак бадамский	4/III	7/III	9/III	12/III	20/III	4/IV	3/VI	19/X	14/X	29/X	25/XI	254	5619,0
Калони кандак	5/III	9/III	11/III	14/III	21/III	6/IV	2/VI	1/X	9/X	25/X	26/XI	241	5619,0
Юбилейный Навои	3/III	6/III	8/III	11/III	18/III	4/IV	7/VI	28/IX	7/X	18/XI	17/XI	249	5555,3


2017-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлардаги 8-10 ёшли ўрик навларининг (2009 йилда экилган) куртак бўрғишидан то то ҳазонрезгиликни тугашигача йиллик вегетация даври Субхони (st), Субхони Заря, Субхони Гигант, Наджими ва Юбилейный Навои навларида – 5555,3°C, Исфарак бадамский ва Калони кандак навларида – 5619,0°C, Шалах ва Исфарак навларида – 5701,3°C ҳамда Моника Бланка навида – 5761,6°C фойдали ҳарорат йиғиндисидан тиним даврига ўтганлиги аниқланди.

Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрикнинг 8-10 ёшли навларида бир новдадаги сербаргликни Юбилейный Навои нави (47,7 дона) намоён қилиб, Субхони (st) навида (43,3 дона) нисбатан 4,4 донага кўп эканлиги аниқланди. Аксинча, Субхони (st) навида нисбатан Субхони Заря (10,0 дона), Калони кандак (8,3 дона), Исфарак бадамский (7,3 дона), Наджими (4,3 дона), Моника Бланка (3,6



дона) ва Шалах (3,3 дона) навларда бир новдадаги барг сони кам эканлиги маълум бўлди (1-расм).

Шу билан бирга, бир туп дарахтдаги барглари сони таҳлил қилинганда Субхони (st) навида – 13500,3 дона бўлиб, унга нисбатан Исфарак бадамский навида – 3017,0 дона, Исфарак навида – 2381,4 дона ва Субхони Гигант навида - 2249,7 донга кўп шаклланган бўлса, аксинча, Субхони Заря – 2286,0 дона, Наджими навида – 1601,3 дона, Юбилейный Навои навида – 1234,0 дона, Калони кандак – 788,0 дона ва Моника Бланка навида – 165,3 донга кам бир туп дарахтда барглари сони қуйдагича бўлганлиги аниқланди.



**1-расм. Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари дарахларини ассимиляция сатҳи (2017-2019 йй.) Ўрик навларини қурғоқчиликка чидамлилиги**

Маҳаллий ҳамда четдан келтирилган ўрик навларининг барглари таркибидаги сув миқдори ўсимликни вегетация даврининг қурғоқчил иқлим шароитида ўрганилди. Баргларидаги сув миқдори вегетация давомида ҳамда навлар ичида ўзгарувчан бўлиб, барқарор кўрсаткичларга эга эмаслиги аниқланди. Айниқса, баргларида сувнинг энг максимал миқдори эрталабки вақтда юқори кўрсаткичларни кўрсатган бўлса, куннинг иккинчи яримида соат 13<sup>00</sup> да эса аксинча тескари, пасайиши ва кечки вақтга бориб, яна кўтарилиши кузатилди. Бундай қонуниятлар ўрганилган барча навларда аниқланди, аммо шуни таъкидлаш лозимки навлар ўртасида ушбу кўрсаткичлар бўйича фарқлиниши намоён бўлди.

Тадқиқот учун танланган маҳаллий ҳамда четдан келтирилган ўрик навларининг баргларидаги сув миқдорининг даражаси вегетация давомида тупроқдаги сув миқдори ҳамда куннинг мос даврига боғлиқ ҳолда ўзгариши ва бу

кўрсаткичлар навлар ичида турлича бўлиши аниқланди.

Дала тажриба майдонида суғориш чоралари амалга оширилгунча, яъни далани суғоришдан олдин маҳаллий ҳамда четдан келтирилган ўрик навлари баргларидаги сув миқдори эрталаб соат 6<sup>00</sup> да, кундузи 13<sup>00</sup> да ва кечки 18<sup>00</sup> да олинган натижаларга кўра июнь, июль, август ойларида ҳам Моника Бланка, Калони кандак, Исфарак бадамский ва Шалах навларида бироз юқори эканлиги аниқланди. Субхони Заря ва Наджими навларида эса сув миқдори бироз пастроқ бўлди. Навлар ичида энг максимал сув миқдори Шалах навида кузатилган бўлиб, барглардаги сув миқдори куннинг иккинчи ярмида соат 13<sup>00</sup>да кузатилганда июнь ойида 67,9% гача, июль ойида 64,7% гача, август ойида эса 64,1% гача сақланиб турди. Сиёма назорат навида эса барглардаги сув миқдори июнь ойида 57,6% гача, июль ойида 55,4% гача, август ойида эса 58,1% гача бўлгани кузатилди.

Қурғоқчиликка чидамлик сув режими жараёнлари билан атроф муҳит омиллари ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ва юқори мослашувчанлик хусусиятлари ўрганилганда, Наджими навида бу кўрсаткичлар йирик баргларида ўртача  $48,0 \pm 0,03$  см<sup>2</sup> гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса  $29,3 \pm 0,02$  см<sup>2</sup> гача бўлган баргларида кузатувлар олиб борилди. Субхони Заря навида барг сатҳи йирик баргларида ўртача  $40,7 \pm 0,03$  см<sup>2</sup> кичик ўлчамдаги баргларида ўртача  $21,3 \pm 0,02$  см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Руғи жуванон миона навида йирик баргларида  $58,3 \pm 0,03$  см<sup>2</sup>, кичик ўлчамдаги баргларида эса  $32,7 \pm 0,2$  см<sup>2</sup> ни ташкил этди. Сарвари навида йирик баргларининг сатҳи  $56,3 \pm 0,04$  см<sup>2</sup> гача, кичик ўлчамдаги баргларида эса ўртача  $40,0 \pm 0,03$  см<sup>2</sup> ни ташкил этди.

### ХУЛОСАЛАР

Ўрик навларида гуллаш фазасидан бошлаб етилиш муддати гача бўлган давомий даврни 3 гуруҳга бўлиб ўрганилди: эрта етилиш муддати Субхони заря, Наджими навларида; ўртадан эрта етилиш муддати Юбилей Навоий; ҳамда ўртача етилиш муддати эса Кўрсодик, навларида кузатилди. Ўрик дарахтларининг кучли шохланувчи Субхони, Юбилей Навоий навларида асосан шпорцлар ва дастали шохчаларда, нимжон шохланувчи Наджими, Субхони гигант ва Кўрсодик навларида эса шпорцлар ва дастали шохчалар 30-45 см га камрок қисқартирилганда, генератив куртаклар тўлиқ ривожланганлиги кузатилди.

Кучли шохланувчи Юбилей Навоий навида қисқартиришни  $1/3$  узунликда ёшартирувчи кесишни, нимжон шохланувчи Наджими навида эса  $1/2$  узунликда қисқартириш юқори самара берганлиги кзатилди.

Ўрганилган навлари орасида Юбилей Навоий ва Наджими навлари юқори ҳосилга эга бўлган. Мазкур навлардаги ўртача ҳосилдорлик 9,2 ва 8,8 т/га ташкил этди. Бунда меваларнинг сифат характеристикаси етарлича юқори даражада, бўлиб, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига кўра, Юбилей Навоий ва Наджими навлари ретабелликнинг энг юқори кўрсаткичини 170,1 ва 140,8 % ни ташкил этди.

<https://conferencea.one>

### ФҲЙДАЛНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Рибиков.А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. – Ташкент “Ўқитувчи” 1981. 30-31-б.
2. Потапова, В. А. Плодоводство / Под ред. В. А. Потапова, Ф. Н. Пилыщикова.- М.: Колос, - 432 с.
3. Савчишкина, К. Т. Перспективы развития косточковых культур в зоне Северного Кавказа / К. Т. Савчишкина // Селекция и сортоизучение косточковых, ягодных и орехоплодных культур на Северном Кавказе: сб. науч. тр. Новочеркасск, 1990.- с. 5-8.
4. Смыкова, В. К. Абрикос/Под. Ред. В. К. Смыкова.- М.: Агропромиздат, 1989.- 240 с.
5. Казьмин, Г. М. Абрикос на Дальнем Востоке / Г. М. Казьмин.- Хабаровск: Книжное изд-во .1973-262 с.
6. Костина, К. ф. Применение ботанико-географического метода в классификации абрикоса / К. Ф. Костина // Тр. Гос. Никитского ботан. Сада. М.: Колос,1964. - Т. 37.- с. 36-39.
7. Иванов С. М. Преодоление преждевременного отмирания деревьев абрикоса и других косточковых плодовых в промышленных садах / С. М. Иванов // IV Международ. симпозиум по культуре абрикоса.- Ереван,1981. ч.I. - с. 117-121.
8. Кефели В. И. Рост растений / В. И. Кефели .- М.: Колос,1973 .- 120 с.